


Ғийбатнинг тақсимлари (5-қисм)



19:39 / 19.01.2018 3692

Тўртинчи тақсим

5. Ибодат ғийбати. Ибодатларни ғийбат қилиш деганда ундаги нуқсон ва камчиликларни гапириш, масалан, фалончи намозни яхши адо қилмайди ёки таҳажжуд ўқимайди, нафлларга беътибор, Рамазон рўзасида камчиликка йўл қўяди, намозларни макруҳ вақтда ўқийди дейиш ва шу кабилар тушунилади.

Ҳикоя. Шайх Саъдий бир куни таҳажжуд вақтида ухлаётган одамларни ғийбат қилиб, «Бу одамлар ҳам намоз ўқиса қандай ҳам яхши бўлар эди», деди. Шунда у кишининг отаси: «Сен ҳам ухлаб, одамларнинг ғийбатидан сақлансанг, ундан ҳам яхшироқ бўлар эди», деб насиҳат қилди. (Бу ҳикоя тўртинчи бобда муфассал келтирилади, иншааллоҳ).

Ҳикоя. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг замонларида бир киши бир жамоанинг ёнидан ўтиб кетаётиб, уларга салом берди. Улар саломга жавоб қайтаришди. Ўтиб кетганидан кейин эса ўша жамоадан бир киши (у кишини ғийбат қилиб): «Мен уни Аллоҳ учун ёмон кўраман», деди. Ўша жамоа аҳлидан яна бир киши: «Сен жуда ёмон гап айтдинг. Аллоҳга қасамки, бу гапингни унга айтамиз», деди. Сўнг ўша жамоадаги бир кишига: «Тур, унга етиб олгин-да, айтилган гапларни етказиб қўй», деди.

Жўнатилган одам унинг ортидан етиб олиб, бўлган гапни айтиб берди. Ғийбат қилинган киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, бўлган гапларни айтиб, ғийбат қилган одамни чақиришларини сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни чақириб сўраган эдилар, айбини бўйнига олди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Бунини нима учун ёмон кўрасан?» дедилар. У: «Мен унинг қўшнисиман, ҳамма ишидан хабардорман. Аллоҳга қасамки, у фарз намозлардан бошқа намоз ўқимайди», деди. Қўшниси: «Эй Аллоҳнинг Расули, ундан сўранг-чи, мен намозларни кечиктираманми ёки намознинг таҳорати, рукуъ ёки саждасини ёмон бажарар эканманми?» деди. Сўрасалар, у: «Йўқ», деди. У яна: «Аллоҳга қасамки, у фақат Рамазон ойида рўза тутди. Бу ойда яхши ҳам, ёмон ҳам рўза тутаверади-да», деди. Қўшниси: «Эй Аллоҳнинг Расули, ундан сўранг-чи, мен Рамазонда оғиз очган ёки бу ойнинг ҳаққини поймол қилган эканманми?» деди. У: «Йўқ, лекин унинг ҳеч қачон мискин ёки фақирга бирор нарса берганини ёки Аллоҳ йўлида нафақа қилганини кўрмаганман. У фақат закот беради. Закотни эса яхши одам ҳам, ёмон одам ҳам адо қилаверади», деди. Қўшниси: «Эй Аллоҳнинг Расули, ундан сўранг-чи, менинг закотни (берилиши лозим бўлган миқдордан) кам берганим ёки ҳақдор одам сўраб келганда кечиктирганимни кўрган эканми?» деди. У яна: «Йўқ», деб жавоб берди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (ғийбатчига): «Тур (жўна), бу сендан яхшироқ одам экан», дедилар.^[1]

«?Ғийбат ўзи нима»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов

^[1] «Иҳёу улумид-дин»; «Муснади Аҳмад», 23803-ҳадис.